



Farg'onaazot
aksiyadorlik jamiyati

fargonaazot_uz

AO Farg'onaazot

www.azot.uz

info@azot.uz

fargonaazot.uz

t.me/fargona_azot

Kimyogar

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqqan boshlagan.

№ 9 (1697) 2021-yil, 30-sentabr.

**УСТОЗИДАН
ЎТМАГАН ШОГИРД,
ШОГИРД ЭМАС**

2 бет.

24
ОКТАБРЯ 2021 ГОДА

**ВЫБОРЫ
ПРЕЗИДЕНТА
УЗБЕКИСТАНА**

3 стр.

**БОГАТЫЙ
УРОЖАЙ
СО СВОИХ
ГРЯДОК**

4 стр.

УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ АЙЛАБ



Ўқитувчи ва мураббийлар кун — энг қўтлуғ ва муҳим байрамлардан биридир. Ушбу байрам ёш авлодга билим беришдек мураккаб, аммо шарафли касб эгалари байрамидир. Бу тантанали кунда бизлар ўз меҳр-қўрини биздан аямасдан, бизларга катта ҳаётга йўланма берган ўқитувчиларимизни ва ҳозирги кунда ёш авлодга ўз билимларини улашайтган устозларимизни табриклашга ошиқамиз.

Ушбу байрам муносабати билан корхонамизда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда корхона бошқаруви раиси Абдулатто Салижанов ўз нутқида йиғилиш қатнашчиларини самимий сўзлар билан қўтлади.

— Ушбу байрамда узоқ йиллар давомида бизга таълим берган устозларимизга самимий табассум ила ўз миннаторчилигимизни изҳор қиламиз. Шунингдек, ёш авлодни маънан соғлом ва ҳар тарафлама мукамал шахс бўлиб етишишларида ўз билим ва маҳоратини аямай, меҳр ила тарбия берган устоз ва муаллимларимизни яна бир бор қўтлаймиз! — дея таъкидлаб ўтди Абдулатто Салижанов.

Байрам сўнггида узоқ йиллар давомида кўплаб ёш мутахассисларга ўз касбини кунт билан ўргатган, фидокорона меҳнати билан жамиятда ўрнак бўлиб келаятган “устоз”-ҳодимлар корхона раҳбарияти томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.



Маннонхон ТИЛЛЯХОДЖАЕВ.
Саидакмал ИСАҚОВ олган суратлар.



2021 йил 8 июлда 1091-сонли буйруқ тасдиқланган.

Юқоридаги қарор ва буйруқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида корхонамизда жадал ишлар олиб боришмоқда. Корхонанинг бўлим ва цехларида жорий йилнинг 1 августидан бошлаб бўлим ва цехларнинг номлари, пешлавлари, оммавий тарғибот воситалари, реклама ва эълонлар, иш қўғозлари ва турли бланкалар лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига ўтказилганлигини текшириш мақсадида матбуот хизмати ходимлари томонидан жамият бошқаруви томонидан тасдиқланган жадалга асосан мониторинг ишлари олиб боришмоқда.

Бугунги кунга қадар бўлган текширув натижалари шунки кўрсатадики, корхонанинг бўлим ва цехларида лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида иш юритиш қониярли даражада. Хусусан, бу борада қўтқарув отрядида қилинган ишлар мактовга лойиқ.

Отрядда ҳар қандай иш қўғозлари, реклама ва эълонлар, турли бланка ва журналлар лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида юритилишмоқда.

Эришилган ютуқлар қаторида камчиликлар ҳам учраб турибди, албатта. Баъзи цехлар-

КОРХОНАМИЗ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТЎЛИҚ ЎТМОҚДА

“Мустақиллик бизларга нима берди?” деган саволга ҳеч иккиланмай ҳар бир фуқаро — ўз тилимиз, ўрнимиз ва эътиқодимизга эришдик дейди. Албатта, инсоният учун бу нарсалар энг юқори даражада турайдиган қарашлардан биридир. Бу халқнинг ўзлигидан, кучидан далолат. Бизнинг бахтимиз шуки, юртимиз мустақилликка эришди ва она тилимиз давлат тили мақомига эга бўлди.

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳар қандай соҳа тўдан ўзгармоқда. Ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига қўтарилиб, ҳар бир соҳада уларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг натижаси ўларок, келажак эгалари улкан ютуқларга эришмоқда. Қолаверса, қабул қилинаётган қонунлар халқимиз манфаати йўлида қабул қилинмоқда. Лекин давлатимиз мустақиллигига 30 йил тўлган бўлса-да, ҳали-ҳануз бир орғилли нуктада, яъни давлат тилида иш юритиш тартибга солинмади. Қайсидир ҳужжат мутлақо рус тилида, қайсидир ҳужжат кирилл алифбосида, қайсидир

эса лотин алифбосида юритилиб келинмоқда. Бугунги кунга келиб бу муаммага ечим топиш арафасида турибмиз.

Хабарингиз бор, корхонамизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига бошқичма-бошқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 61-сонли қарори ҳамда “O‘zbekiston” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 2 июлдаги 77-сон буйруғи ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, шунингдек “Farg’onaazot” акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига муносабатан таъйиғарлик қўриш мақсадида

да шахсий варақалар, лавозим ва иш жойи йўриқномалари лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига ўтказилган бўлса-да, журналлар кирилл алифбосида юритилмоқда. Айрим камчиликларнинг жойида бартараф этилган бўлса, айримлари бартараф этиш учун мuddат берилиб, далолатнома тузилмоқда.

Таъкидлаш керакики, шу кунгача мавжуд бўлган ҳужжатлар ва иш қўғозла-рининг аксарияти кирилл алифбосида ёзиб келинган бўлган. Шунинг учун ҳам бу ҳужжатларни лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига ўтказиш бир қанча муаммолар ва иш ҳажмининг ошишига олиб келмоқда. Лекин қарор ижросини таъминлаш, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига ўтиш қийинчилик билан бўлса-да амалга оширсак, давлатимизда иш юритиш тили тартибга солинади.

Сарвар АБДУКАРИМОВ.
Саидакмал ИСАҚОВ
олган сурат.



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

“Farg’onaazot” акциядорлик жамиятида маҳсулотлар ҳажмини ошириш, турларини кўпайтириш, экспорт географиясини кенгайтириш борасида истиқболли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Жамиятда бўлиб ўтган матбуот анжуманида бу ҳақида алоҳида эътироф этилди.

Корхонада 30 турдаги минерал ўғит, кимёвий эритмалар, аммиак, нитрат кислотаси, суёқ ва газсимон кислотад, азот, шунингдек 10 дан ортиқ бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган маҳаллийлаштириш дастури бу борада янги имкониятлар яратмоқда.

Айни кунда корхона негизиди “Меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини “Карбамид ишлаб чиқариш” билан бирлаштирилиши учун унга яқин бўлган саноат майдонинг бўш турган 6 гектар ер-майдонида жойлаштириш режалаштирилмоқда.

Меламин саноат тармоқлари учун жуда зарур хомашё ҳисбланади. Унинг таҳминан 95 фоизи автомобилсозлик, қурилиш, тўқимачилик соҳаларида фойдаланиш учун ишлатиладиган меламин катронлари ишлаб чиқаришга тўғри келади. 20 миллион доллар қийматига эга меламинни қайта ишлаш саноат кластерини ташкил этиш лойиҳаси ишга тушиши натижасида 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Бу саноатда ишлатилган ламинатланган ДСП ва МДФ, қатламли қўғоз пластиклар, пресс-композиция ва меламин идиш товоқ-маҳсулотлар, лак бўёқ эритмалар ҳамда меламин-формальдегид қатрон каби импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини беради.

“Корд ва техник матоларни ҳамда полиэфир штапель толасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида автомобиль шиналар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган, импортдан олиб келинаётган корд матолар, конвейер ленталар учун техник матолар ҳамда республикамизда кундан-кунга ривожланиётган енгил саноат учун полиэфир штапель толаларини ишлаб



чиқаришни йўлга қўйиш орқали 350 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

2021-2025 йиллар истиқболли дастурлар доирасида мавжуд аммиак, карбамид ва аммиакли селитра ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда азот кислотаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилади. Бу лойиҳа ишга тушса, аммиак, карбамид, аммиакли селитра, азот кислотаси сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади.

Корхонада янги турдаги фосфомочеви-на минерал ўғитини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Сода цехининг халқ истеъмол моллари бўлимасида “Темир III хлорид” маҳсулотининг тажрибаси намунаси ишлаб чиқарилди. Маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда, аммиакли селитра ишлаб чиқаришда сўнгги ишлов бериш учун импорт орқали олиб келинаётган “NovoFlow-3047” анти-ёпишқоқ ўрнини босувчи бу маҳсулот аммиакли селитра ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилди.

“Farg’onaazot” акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар корхона экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги уч йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўндан ортиқ ривожланган давлатларга экспорт қилинмоқда.

Матбуот анжуманида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш билан бирга, ишчи-хизматчилар манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоялаш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ҳам маълумотлар берилди.

Анжуманда журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Фарғона ҳақиқати” газетаси муҳбири.
Элёр ОЛИМОВ
олган суратлар.

ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ!

Тил инсонларнинг ўзаро алоқа воситаси бўлиб, Яратганнинг инсонга берган бебаҳо неъматидир. Миллатларни миллатлардан ажратиб турувчи асосий белгилардан бири ҳам тилдир. Дунёда ҳар бир халқнинг ўз тили унинг бебаҳо бойлиги, ифтихори, нажоти ҳисобланади. Ҳикматли сўзлар, шеърлар дostonлар, қўшиқлар аввало бирор-бир миллатнинг она тилида дунёга келади. Миллат бор экан, унинг тили ҳам яшайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тил сиёсати масаласида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тўдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда унинг мантиқий давоми бўлмиш 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ўзини чин маънода зиёлий киши деб биладиган ўзбек тилининг жонқурларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат бахш этди.

Хукуматимиз томонидан олиб борилаётган тил сиёсати Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий

ҳаётида амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг юксак самараси десак муболаға бўлмайди.

Ўзбек тили ўзининг қадимий ва бой тарихида ҳеч қачон давлат ва жамиятнинг бугунгидек юксак эъзоз-эътибори ва ғамжўрлигига сазовор бўлмаган. Бу “миллий тилканишдан — миллий юксалиш сари” қўйилган дадил қадам.

Тасдиқланган фармонларга биноан она тилимизнинг 2020 йилдан 2030 йилга қадар тизимли равишда, бошқичма-бошқич истиқболдаги тараққиётини белгилаб берувчи Концепция ишлаб чиқилган. 2020 - 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясига кўра:

- мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;
- таълим ташкилотларида

давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

- давлат тилининг соғлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;
- давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникациялари фаол интеграциялашувини таъминлаш;
- давлат тилининг халқаро микёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш билан баробарида Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли мамлакатлигини ҳисобга олиб, республикамизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳам назарда тутилган.

Она тилимизнинг истиқболдаги

тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментига Концепция ва Дастурни амалга ошириш, ҳамда асосий йўналишларга эришиш борасида давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, мониторинг қилиш юклатилган.

Муҳтасар қилиб айтганда, давлат тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланилмоқда. Эндиги масала унинг қўлланиш қўламини янада кенгайтириш, халқаро нуфузини янада оширишдан иборатдир.

Президентимиз ўз нутқида таъкидлаганидек, “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қонидасига айлантиришимиз лозим. Бу олижаноб ҳаракатни она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак”.

Отабек БЕГИДЖАНОВ.



Халқимизда, “Устозидан ўтмаган шогирд, шогирд эмас”, деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки даврлар алмашинувидаги талаб ва эҳтиёж фақат эскини такрорлашни эмас, балки янгиликни яратишни талаб этади. Янгилик эса ҳар доим нисбийлиги билан аҳамиятлидир.

Устоз, мураббийлар қўлида таълим олмаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Инсон ёшлигидан билим, кўникмалар ҳосил қилишида, касб-хунар, ҳатто ҳаёт йўлини танлашида таълим берган мураббийларнинг ўрни каттадир. Биз устоз, мураббийлар кўрсатмалари билан ҳаётимизда ютуқларга, орзу ва мақсадларимизга эришамиз. Албатта, бунинг учун ўзимизда интилувчанлик, ишонч ва хоҳиш талаб этилади.

Корхонамизда “Устоз-шогирт” анъанаси йўлга қўйилган бўлиб, узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган ҳар бир тажрибали ходим ўзининг шогирдларига билим салоҳиятини ўргатиб келади. Ўз ўрнида шогирдлар устозларидан ўрганган барча билимларини, касб сирларини амалда қўллаб, корхонамиз ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқдалар. Шу тарзда бизнинг жамиятимизда “узвий занжир” шаклланган.

Устозлар ишончини оқлаб, юқори даражаларга эришган шогирдларнинг ўзлари ҳозирда ёш кадрлар олдига намуна сифатида гавдаланганлар. Бундай ходимлардан бири корхонамиз бош механиги Ўткир Мадаминовдир. У ўзининг тиришқоқлиги, ташаббускорлиги ва ўз касбин севиши туфайли, таъмирлаш-механика ҳақида оддий токарликдан меҳнат фаолиятини бошлаб, жамият бош механиги лавозимигача



Саидкамал ИСАҚОВ олган суратлар.

бўлган йўлни босиб ўтди. 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Ўткир Мадаминов билан унинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти ҳусусида суҳбатлашдик.

кали кадр қилиб тайёрламоқдамиз. Шогирдларимиз қанчалик муваффоқиятларга эришишса, бу бизнинг ютуғимизни англайди.

— **Ёшларга етук инсон бўлишлари учун қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?**

— Аввал айтганимдек, ўз олдиға аниқ мақсад қўйиб унга қараб интилиши ва ўз ишини яхши кўриши керак. Энг асосийси, ҳар куни ҳар бир ходим ўзига “Мен бугун корхонам учун нима қилдим, нимаға улгурдим-у, нимаға улгурмадим?” деган саволни берса, бир кунини ҳам зоя кетказмай, билим даражасини кенгайтириб борса, менимча у инсон келажакда албатта катта марраларни забт этади.

— **Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Президент сайлови кампанияси давом этмоқда. Мазкур сиёсий жараён ҳақида фикрингиз?**

— Авваламбор ҳар бир фуқаро хоҳ раҳбар, хоҳ оддий сайловчи бўлсин, сайловда фаол иштирок этиши, мамлакатимизда бўлиб ўтаётган сиёсий жараёнлардан хабардор бўлиши лозим. Ҳозир аввалгидек газета ёки бошқа манбаалардан маълумот излаб топиш шарт эмас. Ижтимоий тармоқларда очик-ойдин барча маълумотлар ёритиб боришмоқда. Сиёсий жараёнларни кузатиб, билиб бориш имкониятлари етарли. Президент сайловиға қатнашишимиз бизнинг ҳуқуқимиз экан, Ватанимиз келажиги бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА ҲУДУДИНИНГ СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Жорий йилнинг 13 сентябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонун имзоланди.

Қонунға кўра, сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектлар аҳамиятиға кўра қуйидаги тоифаларға бўлинади, яъни:

- **I тоифа** – хавфлилик омили паст бўлган объектлар;
- **II тоифа** – хавфлилик омили ўртача бўлган объектлар;
- **III тоифа** – хавфлилик омили юқори бўлган объектлар;
- **IV тоифа** – хавфлилик омили жуда юқори бўлган объектлар.

Ўзбекистон ҳудудида сейсмик хавфни баҳолаш Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда амалға оширилади.

Сейсмик фаол зоналарда жойлашган, қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ лойиҳалаштирилган ҳамда қурилган II–IV тоифадаги объектлар ҳар 5 йилда зилзилабардошликка доир визуал текширувдан, III–IV тоифадаги объектлар ҳар 10 йилда зилзилабардошликка доир инструментал-техник текширувдан, янги қурилган III–IV тоифадаги объектлар ишға туширилаётганда зилзилабардошликка доир инструментал-техник текширувдан мажбурий тартибда, IV тоифадаги объектларға тааллуқли сув омборлари тўғонларида ва гидроэлектростанцияларда инструментал-техник текширувлар бир йилда икки марта ўтказилиши белгиланди.

Барчамизға маълумки, 2020 йилда Жиззах вилоятининг Сардоба сув омборида содир бўлган авария натижасида фуқаролар соғлиги ва давлат мулкиға кўп миқдорда зарар етказилди. Сув омборлари зилзилалар содир бўлган, текширувлардан ўтказиладими? деган савол фуқароларимизни кизиқтириши табиий.

Албатта, қонунда сув омборлари тўғонларининг сейсмик фаол ҳудудларда содир бўлган ҳар бир кучли зилзиладан кейин мажбурий тартибда инструментал-техник текширувлардан ўтказилиши белгиланган бўлиши шарт.

Қонунға кўра, кучли зилзилалар натижасида етказилган зарарни баҳолашға доир ишлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалға оширилади.

Мазкур қонун расмий эълон қилинган қундан эътиборан 6 ой ўтган кучға қиради.

Баҳодиржон ТОҲИРЖОНОВ,
Фарғона тумани адлия бўлими бошлиғи.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭКОСИСТЕМАСИ ВА БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИ, УНИ АСРАБ ҚОЛИШНИНГ МУАММОЛАРИ

Бугун инсоннинг табиий бойликлардан нооқилона фойдаланиши ноёб маҳаллий ўсимлик ва ҳайвон турларининг қисқариб, сонининг камайишиға сабаб бўлмоқда. Табиатта шу тариха муносабат дунё генофонди мувозанати бўзилишиға, экотизимнинг ҳалокатиға сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар табиатнинг генетик ва биологик хилма-хиллигини илмий асосда ўрганиб, уларни яхшилаш чора тadbиларини ишлаб чиқишини тақазо қилади.

Биохилма-хиллик - бу маълум бир ҳудуддаги бир-бирлари ва атроф муҳит билан чамбарчас алоқада бўлган турли-туман организмлар йиғиндисидир. Уларға бакте-рия, замбуруғ, тубан ва юксак ўсимликлар, бир ва кўп ҳужайрали ҳайвон турларини барчаси қиради.

Афсуски, Фарғона водийсининг текислик ва тоғ ўрмонлари майдони йилдан-йилға қисқариб бормоқда. Унинг фарбий қисмида шамолға қарши барпо этилган ихотазорлар кесиб юборилди. Чўл ўрмонлари ўзлаштирилиб, экинзорларға айлантирилди.

Водий экосистемасиға путур етказилди. Оқибатда кўплаб тур ҳайвонлар бошпанасиз қолди, ҳозирда йўқолиш арафасида. Хусусан водий ҳудудиға Жанубий Америкадан келтирилган ондатра шаронитға мослашиб, деярли барча сув ҳавзаларини эгаллади. Маҳаллий – сув каламушлари – қундузлар ариели торайиб, ноёб турлар қаториға кирди.

Фарғона водийси тоғларининг 2,2 фоиз майдонини тоғ ўрмонлари ташкил этади. Тоғ ўрмонлари эррозия, сурилмалар, тошқинларнинг олдини олади, дарё сувини бир маромида ўшлаб туради. Ҳозирги кунда уларнинг тур таркиби хилма-хиллиги ҳам қашшоқланиб бормоқда. Шуни ҳисобға олиб, тоғ ёнбағирларида акация, айлант, қайрағоч, киста, элдор қайни, эвкомия, Туркистон арчаси, кавказ хурмоси ва бошқа дарахт ва буталарни экиш ва парваришлаш мақсадға мувофиқ.

Чунки яшил ҳудудлар сув ҳавзаларини сақлаш ва тозалашда муҳим ўрин тутади.

Гулноза ТҲҲАСИНОВА,
Фарғона вилояти экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси матбуот котиби.

ОНА ЎЗБЕКИСТОНИМ БУЮК ИСТИҚЛОЛИ — МАНГУЛИККА ЮЗ ТУТАР!

Хамма қатори кўнглимизни тоғдек кўтарган муқаддас неъмат - Мустақилликдир. Уни кўрмасдан олдин фақат орзу қилардик. Улуг аждодларимиз пок руҳлари қўллаб-қувватлаб орзуларимиз рўёбга чиқди, Ватанға бўлган миллий ифтихор уйғониб, Мустақил давлат бўлдик. Шу муқаддас Ватанни севоиқ унга хизмат қилмоқ барча-мизнинг масъулиятли бурчимиздир.

Бу замин биз учун илохий неъмат. Аллоҳ бизға мана шу жаннатмакон заминни ато этган экан, уни кўз қорачиғимиздек асрашимиз, она каби эъзозлашимиз жоиз. Зеро, бу Ватан бизларға аждодларимиздан мерос бўлиб қолган заминдир. Қадимда дунё цивилизациясининг тамал тошини қўйган буюк бобоклонларимизнинг киндик қони тўқилган бу ерлар неча уруш ва талафотларға учрамади. Лекин мард ва жасур ота-боболаримиз меҳнати билан ҳар доим Ўзбекистон ёвлар қўлидан тортиб олинган. Албатта,

мустақилликка меҳнатсевар халқимиз лойқидир.

Цехимизнинг иқтидорли ёшлари технологик усқуналарда, пулт қурилмаларида, ишлаб чиқариш аппаратларида ўз билими, доно ва зукко-лиги, кенг қўламли онги, тафаккури билан меҳнат фаолиятини сидқидилдан олиб бормоқдалар. Ёш ходимларимиз ўз ишларига маъсулият билан ёндашади. Хомашё ишлаб чиқарилишида, маҳсулотлар экспорт қилинишида, цехимиз ривожда уларнинг ўрни жуда катта. Шунингдек, цехимизда “Устоз – шогирд” анъанаси яхши йўлга қўйилган.



Барча малакали ходимлар ёш кадрларға ўз билим ва кўникмаларини сидқидилдан ўргатиб борадилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, биз билим ва кўникмаларимизни амалға татбиқ этиб, корхонамиз ривожланишиға, Ватанимиз гуллаб-яшнашиға баҳолиқудрат ўз ҳиссамизни қўшамиз, маҳсулотларимизни рақобатбардош, янада сифатли этиб ишлаб чиқариш, экспорт самарадорлигини ошириш борасида корхонамизда олиб борилаётган ишларда жонбозлик кўрсатамиз ва жамиятимиз нуфузини юксакларға олиб чиқамиз.

Электр сим поезди билан Довонларда учар Ўзбегим,

Эртақдаги Семурғ етмас Чўққиларни қучар Ўзбегим!

Гўзал юртим, бетакрор юртим Асрларға кўприк довоним,

Дунё бизға ҳавасда бугун Жоним фидо, Ўзбекистоним!

Жанона ВАЛИЕВА,
ХМД цехи канистра ишлаб чиқариш прессловчиси.

СУВНИНГ УВОЛИ – ҲОСИЛ ЗАВОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан сув ҳўжалиғи соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолати ҳамда сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши, сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича Инспекциянинг вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан узлуқсиз равишда назорат тadbирлари олиб боришмоқда.

Инспекторлар томонидан сувдан ўзбошимчилик билан фойдаланиш, сув олиш лимитлари ва режаларининг бузилиш ҳолатлари бўйича жорий йилнинг январь-август ойлари давомида 722 та назорат тadbирлари ўтказилди. Шундан, 170 та хабардор қилиш тартибида 552 та мониторинг тартибидеги текширишлар ўтказиш натижасида 654 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Аниқланган ҳолатлар бўйича 38 та ёзма қўрсатма ва 74 та тақдимномалар киритилган, 334 та маъмурий чоралар қўрилиб, қўлланилган 106,8 млн. сўм жарималарнинг 59,2 млн. сўми ўндирилди. Қўлланилган 551,5

млн. сўм молиявий санкцияларнинг 257,8 млн.сўми ўндирилди. Бундан ташқари, 206 та ҳолат юзасидан тўпланган материаллар судларға ва 2 та материал эса прокуратураға органларига юборилди.

Хусусан, Бешариқ туманида фаолият юритаётган «Ўктамов Зоҳиршоҳ», «Ўткир Умурзоқов», «Иброҳимжон Балиқлари», «Эргаш ҳосилот фазйзи» фермер ҳўжаликлари томонидан 2020-2021 йиллар учун туман сув истеъмолчилари уюшмаси билан сув истеъмоли шарномасини тузмасдан сувдан ноқунуний равишда фойдаланиб келганликлари аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан инспекциянинг туман бўлими инспектори томонидан белгиланган

тартибда тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсман) ни хабардор қилиш тартибидеги текшириш ўтказилиб, ҳар бир фермер ҳўжаликлари раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 82-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомнинг 60-банди асососан молиявий жарима санкциялари қўлланилиб, натижа-си бўйича тўпланган ҳўжатлар туман судига юборилди.

Тошлоқ тумани “Бесаранг Гулшани”, “Бекмурод баракали соҳовати” фермер ҳўжаликларида ўтказилган текширишларда ҳам

фермер ҳўжаликлари томонидан рухсат этилмаган жойлардан яъни ноқонуний даханалар очиб сув олиш, шунингдек, сувдан шартномасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқланди. Ушбу фермер ҳўжаликларида белгиланган тартибда ваколатли органни хабардор қилиш тартибидеги текширишлар ўтказилди. Фермер ҳўжалик раҳбарларига нисбатан молиявий жарима санкциялари қўлланилиб, ўндирилиши таъминланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳўжатлар туман судига қонуний чора қабул қилиш учун юборилди.

Бундан ташқари, Риштон туманида Сув истеъмолчилари уюшмасининг сувдан фойдаланиши ва меъёрий ҳўжатлари юритилиш ахволи ўрганилганда уюшманинг муроблари А.Н. Ж.П. Ж.Тлар томонидан гидротехник ишларни ўзбошимчилик билан бажариб, ҳудуддаги истеъмолчиларға таълабномасиз сув очиб берганликлари ҳолатлари аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан баённомалар расмийлаштирилиб Ўзбекистон

Республикаси МЖТКнинг тегишли моддалари билан жарима жазо чоралари қўлланилди.

Назорат тadbирлари давомида тумандаги фермер ҳўжалик раҳбарларининг таълабномалари асосида пахта майдонларини суғориш учун ажратилган сувларни бир неча фуқаролар Ж.М. Р.М. А.И. М.Х. Ш.А. И.Хлар томонидан сувларни ўзбошимчилик билан эгаллаб, олиб томорқа экин майдонларини суғораётганликлари маълум бўлди.

Юқоридаги фуқароларға нисбатан ҳам белгиланган тартибда баённомалар расмийлаштирилиб, Инспекция ваколати доирасида ҳар бир фуқароға нисбатан маъмурий жарима жазо чоралари қўлланилди.

Инспекциянинг вилоят бошқармаси инспекторлари томонидан мазкур йўналишда назорат тadbирларининг ўтказилиши тизимли давом этирилади.

Агроинспекциянинг Фарғона вилоят бошқармаси.

24
ОКТАБРЯ 2021 ГОДА

ВЫБОРЫ
ПРЕЗИДЕНТА
УЗБЕКИСТАНА



МЫ В ОТВЕТЕ ЗА БУДУЩЕЕ!

Шерзод Мустафокулов, доверенное лицо кандидата в Президенты Республики Узбекистан Нарзулло Обломуродова в Ферганской области, проводит встречи с населением. На них он рассказывает о предвыборной программе кандидата, выдвинутого Экологической партией Узбекистана.

Одна из таких встреч с участием электората партии, представителей образовательных, учреждений здравоохранения, общественности, СМИ, молодежи, которой предстоит проголосовать впервые, состоялась в Бешарыкском районе. Ее открыл председатель Ферганского областного Кенгаша Экологической партии Узбекистана Мухаммадали Махмудов, отметивший важную роль партии в жизни общества. Он обратил внимание участников встречи на добрые инициативы, выдвигаемые партией.

Доверенное лицо кандидата в Президенты – ректор Кокандского университета Шерзод Мустафокулов ознакомил избирателей с биографией кандидата, после чего проинформировал их о семи основных направлениях предвыборной программы и предусмотренных в ней перспективных задачах. Прокomentировал содержание программы на ближайшие пять лет.

На встрече отмечалось, что глобальные и региональные экологические проблемы углубляются с каждым днем, в связи с чем, главной целью предвыборной программы под девизом «Мы в ответе за будущее» ставится обеспечение экологической стабильности и рациональное использование природных ресурсов в стране. Вместе с тем подчеркивалось, что создание достойных условий для народа и будущего поколения путем широкого внедрения принципов зеленого развития приобретает важное значение.

Доверенное лицо кандидата ознакомил избирателей с рядом идей кандидата в Президенты от Экологической партии Узбекистана по воплощению в жизнь «зеленой» политики, направленной стабильное экологическое развитие под девизом «Зеленое развитие – основа благополучия!». «Сохранение родной природы – наш святой долг!».

В настоящее время у нас в стране, как и во всем мире, бережное отношение к природе, рациональное использование природных ресурсов, снижение негативного воздействия человеческого фактора на природу, широкое внедрение в промышленное и сельскохозяйственное производство достижений науки и техники, инновационных идей – в практику являются жизненно важными проблемами. Экологическая партия Узбекистана выступила инициатором проведения масштабных реформ, направленных на решение данных вопросов, которым в предвыборной программе кандидата уделено серьезное внимание.

Выступившая на встрече доцент Кокандского университета, психолог Нигора Шомуродова говорила о роли экокультуры в утверждении здорового образа жизни, отметив взаимосвязь между судьбой природы и человека.

В конце встречи доверенное лицо кандидата ответил на вопросы избирателей по наиболее важным направлениям предвыборной программы.

Пресс-служба Ферганского областного Кенгаша Экологической партии Узбекистана.



СОЦИАЛЬНОЕ РАВЕНСТВО И НАРОДНАЯ ДЕМОКРАТИЯ — ГЛАВНЫЕ КРИТЕРИИ

В рамках предвыборной агитации, в Культурном центре Дангаринского района состоялась встреча с целью пропаганды предвыборной программы кандидата в Президенты Республики Узбекистан от Народно-демократической партии Узбекистана Максуды Ворисовой.

Заместитель председателя Ферганского областного Кенгаша Народно-демократической партии Узбекистана Шохрух Уктамов разъяснил избирателям инициативы кандидата в Президенты от Народно-демократической партии Максуды Ворисовой по построению государства и общества, отвечающего критериям социального равенства и народной демократии.

Предвыборная программа кандидата состоит из 9 частей, 115 пунктов, суть которых заключается, прежде всего, в том, что все экономические ресурсы должны служить народу и государству.

Основная цель Народно-демократической партии – построение государства и общества, отвечающих критериям социального равенства и народной демократии. Эта цель заключается, в первую очередь, в обеспечении благополучия всего народа.

В предвыборной программе Максуды Ворисовой также подчеркивается, что каждая семья должна иметь источник дохода для удовлетворения своих основных потребностей, таких как доступное жилье, бесперебойное снабжение электроэнергией, природным газом и питьевой водой, а также качественное питание, современное образование и квалифицированное медицинское обслуживание.

Программа полностью воплощает идеи и цели Народно-демократической партии, сформированные годами.

